

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ ҲИСОБВАРАҚ-  
ФАКТУРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат солиқ хизмати органи фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 октябрдаги 807-сон қарорининг ижроси юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш тизимини жорий этиш бўйича Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Навоий ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида тажриба ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

республика ҳудудида 2019 йил 1 июлдан бошлаб ихтиёрий равишда, 2020 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритиш тизимини мажбурий тартибда жорий этиш;

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар» илмий ахборот маркази» давлат унитар корхонасини электрон ҳисобварақ-фактураларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш, операторлараро узатиш ва ҳисобини юритиш бўйича ваколатли роуминг оператори этиб белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг интеграциялаштирилган ягона ахборот-ресурс базасининг ҳисоблаш қувватини кенгайтириш учун зарур сервер ва телекоммуникация қурилмалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2-иловада кўрсатилган қурилмаларни харид қилиш билан боғлиқ маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан молиялаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 25 июнь,  
522-сон

## Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисида

### НИЗОМ

#### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизимида товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчи ва сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар, роуминг оператори, операторлар ва ваколатли давлат органларининг электрон ҳисобварақ-фактураларни тақдим этиш, қабул қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш доирасидаги ўзаро муносабатлари тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

электрон ҳисобварақ-фактура (кейинги ўринларда ЭХФ деб аталади) — товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилиш ва сотиб олишни тасдиқлайдиган, ЭХФ айланиш тизими операторлари орқали тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган шаклларда расмийлаштирилган электрон ҳужжат;

электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизими оператори (кейинги ўринларда оператор деб аталади) — қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган талабларни бажарган ЭХФларнинг айланиши ва уларни сақлаш фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилган юридик шахс мақомига эга ахборот воситачиси;

роуминг оператори — ЭХФларнинг марказлаштирилган ҳолда сақланиши, операторлараро узатилиши ва ҳисоби юритилишини таъминлайдиган юридик шахс;

электрон ҳисобварақ-фактура идентификатори — ЭХФни масофадан идентификация қилиш имконини берувчи роуминг операторининг ахборот тизими томонидан автоматик равишда белгиланадиган ЭХФнинг ўзига хос рақами;

электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизимининг иштирокчилари (кейинги ўринларда иштирокчилар деб аталади) — ЭХФ айланиш тизимида товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчи ва сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар;

QR-код — тасдиқланган ЭХФга бириктириладиган ва ҳужжат қоғоз шаклида чоп этилганда кўрсатиладиган, мобил иловалар ва дастурий маҳсулотлар орқали ўқиш (сканерлаш) вақтида ЭХФ ҳақида барча маълумотларга ҳавола бўладиган махсус график код.

3. Ушбу Низом талаблари:

йўловчилар ташишни йўл чипталари билан расмийлаштиришга (шу жумладан авиа ва темир йўлларда);

товарлар (ишлар, хизматлар) нақд пулда реализация қилинган ҳолларда сотиб олувчига фискал хотирали назорат-касса машинаси чеки, терминал чеки, квитанция беришга;

товарларнинг экспорт-импорт тарзида етказиб берилишини расмийлаштиришга;

қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси расмийлаштириладиган молиявий ижара (шу жумладан лизинг) шартномаси бўйича мол-мулкни топширишга, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 204-моддасининг **саккизинчи қисмига** мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари юзага келадиган ҳоллар бундан мустасно. Бунда тегишли ҳужжатлар (молиявий ижара шартномасининг таркибий қисми бўлган ижара (лизинг) тўловлари жадвали; ҳисобварақ; ижарага (лизингга) олувчига ижара (лизинг) тўловларини тўлаш учун юборилган ёзма билдириш ва шу кабилар) билан расмийлаштирилган ҳар бир ижара (лизинг) тўловига ҳисобварақ-фактура ёзилмайди;

банк операцияларини миқдорнинг шахсий ҳисобварағидан кўчирма бериш орқали расмийлаштиришга;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(3-банднинг еттинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.01.2021 й., 09/21/1/0002-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(3-банднинг саккизинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.01.2021 й., 09/21/1/0002-сон)*

4. ЭХФларни юбориш ва қабул қилиш телекоммуникация алоқа каналлари орқали операторларнинг ахборот тизимлари ёрдамида амалга оширилади.

ЭХФлар алмашинуви электрон рақамли имзолар билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

5. ЭХФларни шакллантириш, юбориш, тасдиқлаш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект ва оператор ўртасида тузилган шартнома (оммавий оферта) асосида амалга оширилади.

## **2-боб. Операторларнинг вазифалари ва мажбуриятлари**

6. Қуйидагилар операторнинг вазифалари ҳисобланади:

ўз ахборот тизимини роуминг операторининг ахборот тизимига боғлаш;

ЭХФларга хизмат кўрсатувчи дастурий-аппарат мажмуасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек, иштирокчилар учун доимий фойдаланиш имкониятини яратиш;

ўз тизими орқали роуминг оператори томонидан ишлаб чиқилган форматдаги ЭХФларни юбориш.

7. Операторнинг дастурий-аппарат мажмуаларини сертификатлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Оператор:

телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга;

ЭХФларни сақлаш учун сертификатланган аппарат воситалари ўрнатилган эгалик ёки ижара ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўчмас мулк объектларига (бинолар, иншоотлар, хоналарга);

ЭХФларни шакллантириш, юбориш, қабул қилиш ва сақлаш имкониятини берадиган ахборот тизимига;

call-марказига ва ахборот технологиялари, молия, солиқ ёки бухгалтерия соҳаларида олий маълумот ҳамда камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган камида бир нафар мутахассисга эга бўлиши лозим.

Оператор ушбу бандда белгиланган талаблар тўлиқ бажарилгандан кейин ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

9. Оператор ўзининг маълумотлар базасида тасдиқланган ЭХФлар камида 5 йил давомида сақланишини ва иштирокчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимоя қилиниши ҳамда ЭХФлар конфиденциаллигини таъминлаши шарт, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## **3-боб. Роуминг операторининг вазифалари**

10. Қуйидагилар роуминг операторининг вазифаларни ҳисобланади:

ЭХФларнинг операторлар ўртасида алмашилиши, марказлаштирилган ҳолда сақланиши, ҳисоби юритилиши, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимларига узатилишини ҳамда дастурий-аппарат мажмуасининг узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлаш;

ЭХФ айланиш тизими доирасида операторлар билан ўзаро муносабатларни тартибга соладиган шартномада роуминг оператори томонидан операторнинг ахборот тизимига боғланиш учун берилган рўйхатга олиш маълумотларини (оператор идентификатори, логин ва паролни) кўрсатиш;

иштирокчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимоя қилинишини ҳамда тасдиқланган ЭХФларнинг камида 10 йил давомида сақланишини таъминлаш;

ЭХФнинг ҳаққонийлигини QR-код орқали текшириш имконини берадиган, уланган барча операторлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда операторлар билан маълумотлар алмашиш техник протоколи жойлаштирилган глобал интернет тармоғидаги расмий веб-сайтни юритиш; конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органларнинг ёзма сўровига асосан сақланаётган маълумотлар тўғрисида ахборот бериш.

#### **4-боб. Электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизими иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

11. Иштирокчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз хоҳишига кўра операторни эркин танлаш;

ЭХФ айланиш тизимида ҳисобварақ-фактураларни шакллантириш йўли билан товарларни (ишлар, хизматларни) реализация ёки харид қилиш;

ЭХФ айланиш тизимидан фойдаланиш бўйича тегишли йўриқномалар билан танишиш ва амалий ёрдамлар олиш;

ЭХФ айланиш тизимидаги носозликлар бўйича хизмат кўрсатувчи операторга мурожаат қилиш.

12. Иштирокчилар қуйидагиларга мажбур:

ЭХФ айланиш тизими орқали товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилишда рақобат ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

операторнинг оммавий офертасида кўрсатилган шартларни бажариш;

ЭХФлар ва электрон хабарларни операторга сақлаш учун топшириш;

ЭХФ айланиш тизимида иштирок этиш мақсадида ишлаб турган ахборот ресурсларида ЭХФларни жойлаштириш;

конун ҳужжатларига мувофиқ ЭХФларнинг сақланишини таъминлаш;

электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, норма ва қоидаларга риоя этиш.

#### **5-боб. Электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартиби**

13. ЭХФларни шакллантириш, юбориш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ушбу Низомга **иловага** мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

14. Товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчи томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ЭХФ шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб оператор орқали роуминг операторига юборилади.

15. Келиб тушган ЭХФ роуминг оператори томонидан ушбу Низом талабларига мувофиқлиги текширилиб, сотиб олувчига унинг оператори орқали етказилади ва ЭХФ маҳсус дастурий маҳсулотда «етказилган» мақомига ўтказилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда, роуминг оператори томонидан ЭХФ қабул қилинмайди ва ҳужжат келиб тушган кундан кечиктирмасдан тегишли оператор орқали уни шакллантирган товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчига қайтаради:

*(15-банднинг иккинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.09.2021 й., 09/21/595/0900-сон)*

ЭХФни расмийлаштиришда мазкур низом талабларига амал қилинмаган бўлса;

ЭХФга маълумотлар ва реквизитлар тўлиқ киритилмаган ёки хатолар билан тўлдирилган бўлса;

ҳақиқий бўлмаган электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолларда;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

солиқ текширувини ўтказиётган солиқ органидан товар-моддий бойликлар инвентаризациядан ўтказилиши муносабати билан маълум бир муддатга

расмийлаштириладиган электрон ҳисобварақ-фактураларни қабул қилиш ва етказиш функцияларини вақтинча тўхтатиб туриш зарурияти вужудга келганлиги тўғрисида мурожаат келиб тушган бўлса.

*(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.09.2021 й., 09/21/595/0900-сон)*

16. Келиб тушган ЭХФ сотиб олувчи томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади ёки сабаби кўрсатилган ҳолда рад этилади. Бунда ЭХФ «етказилган»дан «рад этилган» мақомига ўзгаради.

17. Сотиб олувчи тасдиқлаган ЭХФ оператор томонидан роуминг оператори орқали товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчига юборилади. Бунда ЭХФ мақоми автоматик равишда «етказилган»дан «тасдиқланган» мақомига ўзгаради. Шу пайтдан бошлаб ЭХФ икки томонлама тасдиқланган ҳисобланади ва роуминг оператори томонидан ЭХФга QR-код бириктирилади.

18. Товарларни (ишлар, хизматларни) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахсларга реализация қилишда товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчи томонидан шакллантирилган ЭХФ унинг электрон рақамли имзоси билан бир томонлама тасдиқланади.

19. Мазкур бобда қайд этилган жараёнлар роуминг оператори ва операторлар томонидан автоматлаштирилган тарзда ва реал вақт режимида амалга оширилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қондалар**

20. Ваколатли давлат органлари ушбу Низом талабларига риоя этилиши юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширадilar.

21. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги **низомга**  
ИЛОВА

### **Электрон ҳисобварақ-фактураларни шакллантириш, юбориш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланиш**

#### **СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Ижро муддати</b>
<b>1-босқич</b>	Товарларни (ишлар, хизматларни) сотувчи	ЭХФни шакллантириш ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб оператор орқали роуминг операторига юбориш.	Реал вақт режимида
<b>2-босқич</b>	Роуминг оператори	1. Келиб тушган ЭХФ ушбу Низом талабларига мувофиқлиги текширилиб, сотиб олувчига унинг оператори орқали етказиш; 2. Тўлдирилишида хатолар ёки камчиликлар мавжудлиги аниқланган ЭХФ қабул қилмасдан тегишли оператор орқали уни шакллантирган товарларни	Реал вақт режимида

		(ишлар, хизматларни) етказиб берувчига қайтариш.	
<b>3-босқич</b>	Товарларни (ишлар, хизматларни) сотиб олувчи	Келиб тушган ЭҲФни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш ёки сабаби кўрсатилган ҳолда рад этиш.	Ихтиёрий муддатда
<b>4-босқич</b>	Электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизими оператори	Товарларни сотиб олувчи тасдиқлаган ЭҲФни роуминг оператори орқали товарларни етказиб берувчига юбориш.	ЭҲФ товарларни сотиб олувчи томонидан тасдиқлангандан кейин реал вақт режимида
<b>5-босқич</b>	Роуминг оператори	ЭҲФ товарларни сотиб олувчи томонидан тасдиқлангандан кейин унга QR-код бириктириш.	Реал вақт режимида

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Давлат солиқ қўмитасининг интеграциялаштирилган ягона ахборот-ресурс базасининг  
ҳисоблаш қувватини кенгайтириш учун зарур сервер ва телекоммуникация  
қурилмалари**

**РЎЙХАТИ**

*АҚШ долларид*

Қурилма номи	Минимал техник талаблар	Нархи	Сони (дона)	Умумий қиймати
Сервер қурилмалари	Base Server (3 years warranty) inc: <i>Processor — 2.4-3.7 GHz 20-core with 27.5 MB L3 Cache; 16x16GB Single Rank x4 DDR4-2666 CAS-19-19-19 Registered Smart Memory Kit; 2x6.4TB SAS 12G Mixed Use SFF (2.5in) SC 3yr Wty Digitally Signed Firmware SSD; Ethernet 2x10Gb 2-port 535T Adapter; 4x1600W Power Supply.</i>	68 275,0	16	1 094 400,0

Тармоқ қурилмалари	Network Switch (3 years warranty) — 8qty, inc: 48 1G/10GBase-T and 4 QSFP+ ports; dual hot-pluggable power supplies; 2x650W AC Power Supply; 2xHV Fan Tray. 40G QSFP+ LC LR4 SM Transceiver 10 km — 6qty; QSFP+ 4x10G SFP+ 3m DAC Cable — 10qty; 650W AC Power Supply — 1qty	288 306,0	1	288 306,0
Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш қурилмалари	Threat-focused next-generation firewall bundle -(2qty), inc: Interfaces: 8 GE copper; Expansion slot — 1 interface card; Throughput: Stateful inspection throughput — 2 Gbps; (3DES/AES) VPN throughput — 300 Mbps; Application Control (AVC)- 1,100 Mbps; Application Control (AVC) and IPS — 650 Mbps; Maximum concurrent sessions — 500,000; Maximum New Connections per second — 20,000; IPsec site-to-site VPN peers — 750; Users/nodes: Unlimited; High availability: Active/Active and Active/Standby. IPS and URL 3YR Subs — 2 qty	48 575,2	1	48 575,0

Дисплей қурилмаси	Professional Series 46» Direct-Lit LED Display — 9qty; FUSION™ 3 x 3 Micro-Adjustable Large Bolt-Down Freestanding Video Wall — 1qty; UTP 5e cat. patch cord, 3m — 10qty; PDU with control function (type SHT) with 6xSchuko Sockets and 1xSchuko plug — 2qty; C-DPM/DPM-10 DisplayPort (M) to DisplayPort (M) Cable, 3m — 8qty; C-DPM/HM-10 DisplayPort (M) to HDMI (M) Cable, 3m, for Mini PC — 1qty; Mini PC — 1qty, inc: <i>Enterprise Licensed 64-bit OS; Quad-core processor with 6Mb L3 cache, 14-nm process; RAM 8 GB; 256 GB SSD storage; Integrated Graphic Card (Core Speed 350 — 1150 (Boost) MHz, Memory Bus Width 64/128 Bit).</i> Fixed Port Web Managed Ethernet Switch — 1qty	41 530,0	1	41 530,0
<b>Жами: 1 470 811,0</b>				

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 09/19/522/3334-сон; 08.01.2021 й., 09/21/1/0002-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.09.2021 й., 09/21/595/0900-сон)*